

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ОБЛАСТИМИЗ САНОАТЧИЛАРИНИНГ ЗАФАРИ

Тошкент область ва Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларидан бениҳоя руҳланиб ҳамда тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан

дан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш туғайли меҳнатда катта ғалабани қўлга киритдилар. Махсулот реализация қилиш ва буюмларнинг қатор энг муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича беш ойлик топшириқ

муддатидан илгари муваффақиятли адо этилди.

Областимиз саноатчилари ой охиригача қўшимча яна ўнлаб миллион сўмлик махсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

18-ИЛ ЧИҚИШИ,
104 (4310).
26
МАЙ
ЧОРШАНБА
1971 ИЛ
Баҳоси 2 тийин.

Оққўрғон районидаги М. Тураҳўжаев бошлиқ «Коммунизм» колхози райондаги энг илгори хўжаликлардан бири ҳисобланади. Шу қунарда колхознинг 980 гектар пахта майдонидан қўчатларнинг авжи баданд. Хўжалик коллектив бу йил гектаридан пландаги 19.7 ўрнига 30 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилган. Суратда: колхоз раиси М. Тураҳўжаев (чапда) 5-бригада бошлиғи С. Хўжааҳмедов билан гўза туларини кўздан кечиришда.
С. Остонов фотоси.



**ЧКП XIV
СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ**
ПРАГА, 25 май. (ТАСС). Бугун Чехословакия Социалистик Республикаси пойтахтидаги съездлар саройида Чехословакия Коммунистик партиясининг XIV съезди ўз ишини бошлади. Съездин Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Л. Свобода очди.
**Н. В. ПОДГОРНИЙ
БАРГА ЖўНАБ КЕТДИ**

КПСС Марказий Комитети Сийси Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Бирлашган Араб Республикаси Президентини ва Араб социалистик иттифоқини Раиси Анвар Садатнинг тақдирига мувофиқ 25 майда Бирлашган Араб Республикасида ғайри расмий дўстона визит билан жўнаб кетди. Н. В. Подгорний билан бирга КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громино, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси СССР муҳофаа министрининг ўринбосари армия генерали И. Г. Павловский ҳам жўнаб кетишди. (ТАСС).

МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ МАИШИЙ АҲВОЛИ ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

Тошкент партия активининг 25 майда бўлиб ўтган йилги йилги Ўзбекистон пойтахти аҳолисини маиший ва коммунал хизматини янада яхшилаш масалаларига бағишланди. Бу ҳақда шаҳар иқтисодий қўшма қўмитетининг раиси Х. Асомов доклады қилди.

Техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларини маълумлади. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажмининг икки баравардан зиёд ошириш кўзда тутилди. Беш йилликнинг охиригача 20 дан кўпроқ йиллик маиший хизмат корхоналари, шу жумладан иккита тўққиз қаватли ишлаб чиқариш корпуслари қурилади. (ЎЗТАГ).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Халқ хўжалигини планлаштириш соҳасидаги хизматлари учун ва Госплан ҳамда план органларининг 50 йиллиғи муносабати билан СССР Олий Совети Президиумининг 1971 йил 24 майда чиқарган фармони билан СССР Госплани ва иттифодий республикалар госпланлари хизматларининг бир гуруҳини СССР орденлари ҳамда медаллари билан мукофотланди.

Шу ҳақдаги фармон «СССР Олий Совети ведомостлари»да ва маҳаллий матбуотда эълон қилинди.

ҚҮРИҚ ЕРЛАРНИ ТЕЗРОК ЎЗЛАШТИРАЙЛИК

ГУЛИСТОН, 25 май. (ЎЗТАГ). Сирдарё область партия қўмитетининг бугун бўлиб ўтган пленуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Сирдарё областидagi сугориладиган ерларни қўлайтириш ва уларни яхшилаш ҳамда янги совхозлар қуриш тўғрисидаги қарорини муҳокама қилди. Область партия қўмитетининг биринчи секретари Қ. А. Аҳмедов доклады қилди.

Пленум област партия қўмитетининг секретари Р. С. Қосимовнинг КПСС XXIV съезди қарорларини асосида саноат ишлаб чиқариш, қурилиш ва транспортнинг самарадорлигини янада ошириш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги докладини ҳам муҳокама қилди.

САБЗАВОТКОРЛАР ҲИММАТИ

Синтетик плёнкалар остига эртаги экин экиб ҳам ҳар хил миқдорда махсулот олиш мумкин. Абдурахим ака ана шу плёнкалар остига турли сабзавот экинлари экиб, мўлжалладиган анча кўп махсулот олиб, юқори кўрсаткичларга эришадиган деҳқонлардан бири.

Тошқа ҳозир шаҳарга жўнатилаётган. Савдо тармоқларидан келган турта автомашина шу иш билан бўлди. Бир гектардан ўртача 10 тоннадан картошка олинаётган, яъни бу — гектардан 6500 сўм нақд даромад, деган сўз.

Кеч қузда у плёнка остига «Дербент» нави эрта пишар қарамдан бир гектар майдонга эккан эди. Қарам нормал амал олиб, яхши қилиб чиқди. Кун исиниш билан тез ривожланиб, апрелнинг охиригача келганда пишиб етила бошлади. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда ана шу майдондан 10 минг 40 килограмм қарам узиб давлатга сотилган. Бу ҳали ҳосилнинг ярмидан озроқини ташкил этади. Пайкалда яна 12 тонна махсулот бор. Яна тадбиркор деҳқонлар қатор оралиқда бўш қолган жойларга редиска экиб, уни ҳам давлатга сотишди.

Пленка остига экилган картошка пишиб етилгани учун уни йиғиштириб олиш ишларини ҳам бошлаб юборди. Олаётган ҳосилнинг чакки эмас, дейди Калинин районидаги «Қорасу» совхозининг директори Раҳим Дадаҳўжаев. — Пишиб етилган янги қар-

тошқа ҳозир шаҳарга жўнатилаётган. Савдо тармоқларидан келган турта автомашина шу иш билан бўлди. Бир гектардан ўртача 10 тоннадан картошка олинаётган, яъни бу — гектардан 6500 сўм нақд даромад, деган сўз.

Пленка остига экилган картошка пишиб етилгани учун уни йиғиштириб олиш ишларини ҳам бошлаб юборди. Олаётган ҳосилнинг чакки эмас, дейди Калинин районидаги «Қорасу» совхозининг директори Раҳим Дадаҳўжаев. — Пишиб етилган янги қар-



ҚАРШИ ДАШТИ УЙҒОНМОҚДА

БУ ҲАҚДА ДИРЕКТИВАЛАРДА АЙТИЛГАН

Бир ерлар деҳқонларини ўзига жалб қилар эди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида узоқ йиллар Бухорода хизмат қилган рус инженер Лессар бу даштидаги ерларни Амударё сувлари билан сугориш лойиҳасини тузган эди. Бухоро амири заҳарханда қилиб, бу лойиҳани ақлга сиғмайдиган лойиҳа деб рад этди. Шундан кейинги вақтларда ҳам кўпгина инженерлар ана шундай лойиҳалар тузмоқчи бўлидилар. Лекин бундан ҳеч бир натижа чиқмади.

Дашти сугориш проблемасини фақат совет олимлари ва инженерларини муваффақиятли ҳал қилиб берди. 1960 йилда дастлабки режалар ишлаб чиқилди, кейин бу режалар энг майда чўйла тафсилотлари ҳам пухта ўйланган мўлҳазам системага айлантирилди ва унинг исми лойиҳа асос қилиб олинди.

Яхдон ирригацияси тарихида мисли бўлмаган жуда катта насос станциялар барпо қилиш бу гўл мураккаб лойиҳанинг асосий ўзгич бўлди. Совет саноати бундай станциялар ишлаб чиқаришни қисқа муддат ичида унчалик қийналмастан ўзлаштириб олди. Зотан қурилишнинг энг янги иш унуми юксак машиналар — ер қовлаш машиналари, экскаваторлар, кранлар, бульдозерлар, скреперлар билан таъминлаш ҳам совет саноати учун қийин иш бўлгани йўқ.

Бегилки Овезов ҳаққоний бир гап айтди: — Қарши даштидаги қурилиш мардлик ва қаҳармонлик майдони бўлиб қолди. Маълумки, меҳнат бўлган жойда шиноат ҳам бўлади!

Каналининг насос станциялари, — деди биз билан суҳбатда қурилишнинг беш инженерини Николай Григорьевич Камнев, — бутун бир дарё ўзанини ташкил этади, бу ўзан секундида 350 куб метр сув ўтказилади. Бинобарин бу канал кўл билан яратилган асим дарё бўлади. Бундан ташқари иккита катта суғийи сув омбори — Толмаржон ва Шўрсой сув омборлари қурилиш мўлжаллаб турибмиз. Ўз ойларида Амударё суви қамалиб қолганда шу сув омборларида тўпланган сув запаслари каналга юбориб турилади. Каналининг чап ва ўнг томонидagi дашт ерлар ариқлар билан қопланади. Бу ариқларнинг

узунлиги салкам уч ярим миң километр бўлади. Биринчи қозилар қозилган кейин орада тўрт йил ўтгандан сўнг каналда қурилиш ишлари бошланди. Ҳозир бутун канал трассаси бўйлаб қурилиш ишлари қизғин бормоқда. Бу йил аса ишлар суръати айниқса тезлаштирилди. Қарши даштида канал ва сугориш системасини қуриш КПСС XXIV съезди директиваларида ўқитиб ўтилди. Съезднинг мажлислар заллида делегат Шогазатов шу сўзларни эшитиб жуда тўқнаб қолди. Унинг ҳаёли даштида эди: нималар қилинди-ю, нималар қилиш керак?

Қарши даштини ўзлаштириш ва сугоришнинг биринчи навбати 200 миң гектарни ташкил этади. Ҳозир бу рақамни ҳар бир мулоҳида, ҳар бир посёлкада ва даштида қуриш мумкин. Бу ерларнинг асосий қисмида албатта пахта экилади. Қарши дашти мана шу катта рақам билан ўзининг пахта воҳасига айланишмоқчи бўлганлигини далил қўрсатиб турибди ва бир неча йилдан кейин мамлакатимизга «оқ олтин» етказиб берадиган энг катта районга айланади.

Дашт инсон иродасига бўйсуниб, ўзгариб бормоқда. Бу даштида ҳозирча ишчилар истиқомат қиладиган еттига посёлка пайдо бўлди. Ҳозирча «қулкан арви» келмаганлиги сабабли арвиқан қудуқлари қазилган жойларда янги манзилгоҳлар қад кўтармоқда. Биринчи посёлкага «Аврора» деб ном қўйилди. Этуз янги рамиз бу «Сарик сукунат» ўлкасида тоғ олти келмоқда. «Аврора» кетидан Ўзбекистон посёласи, шунингдек Ниспоя, Толмаржон, Талхос ва бошқа посёлкалар ҳам пайдо бўлди. Ўштин уйлари, асфальтланган кўчалар, водопровод, маданият саройлари, мактаблар, кино-театрлар, касалхоналар қад кўтармоқда. Қўм-қўқ дарахтлар ва гуллар қўнайиб кетди. Буларни посёлкалар эмас, балки кичикроқ шином замонавий шаҳарлар деса ҳам бўлади.

Қарши қурувчилари тинмай меҳнат қилмоқдалар, қанақани ва насос станцияларини муддатидан ишга туширишга интиломоқдалар. Мана, биринчи рақамли насос станцияси. Станциянинг биносини битди деса бўлади. Иккита агрегатнинг монтаж қилиш бошланди. Сув тўпланадиган бассейнда унинг қишлоғи бетон ётқизилмоқда, сув чиқариб юбориладиган олти қувур ўрнатилди. Каналининг қия деворларига бетон ётқизилмоқда. Иккинчи рақамли насос станциядаги аҳоли ҳам худди шундай. Қолган станцияларда қурилиш ишлари турли босқичларда, лекин ариқини асосида давом этмоқда. Николай Григорьевич Камневнинг айтишига қараганда, насос станцияларининг ҳаммаси 1973 йилда тахт қилиб қўйилди. Бош каналда трассанинг тўртдан уч қисми тайёр қилиб қўйилди. Насос станцияларидан ташқарида қазиланган ва бутун сугориш шохобчаларини сув билан таъмин-

лаб турадиган канал ўзанида ҳам иш муваффақиятли бормоқда. Янгида бу участкага ўн тўққизта ер қазини машиналари юборилди. Дашти ишлаш қийин, баъзан ялоқи йўқдек бўлиб қўрилади: туш пайтида-қирқ градус иссиқ, ёки бирданги шамол туриб, кечаги ишларнинг ҳаммасини қўлга қўйиб юборади. Ё бўлмаса чанг тузони ҳамма ёқни булутдай қоплаб олиб, нафас олдиримай қўяди. Лекин одамларнинг тоқати табиат қувиладиган ҳам бақувват. Улар энг мушкул пайтларда ҳам каналдаги ишни тўхтатмайдилар.

Яна бир неча йилдан кейин бу даштида 35—40 та катта пахта совхозлари, янги обод посёлкалар ва районлар пайдо бўлади. Қилинган ҳисобларга қараганда, янги келгусида Қарши дашти мамлакатга бир ярим миллион тоғнага етказиб пахта берадиган бўлиб қолди.

Экскаваторчи Ершовлар — ота ва инки ўғилдан иборат оилавий экинчи ҳам ҳар қанча маънаси арийди. Улар бир неча йилдан бери планни сурункасига ошириб бажармоқдалар. Худойқул Шамовнинг бетончилар бригадаси қурилиш бошлангандан бери ишлаб келмоқда. Бу бригада шу кунгача топириқчи бажармай қолган эмас. Гениадий Бориченковнинг дурдогорлар бригадаси ҳозир етмикинчи йил плани ҳисобига ишламоқда.

Экскаваторчи Ершовлар — ота ва инки ўғилдан иборат оилавий экинчи ҳам ҳар қанча маънаси арийди. Улар бир неча йилдан бери планни сурункасига ошириб бажармоқдалар. Худойқул Шамовнинг бетончилар бригадаси қурилиш бошлангандан бери ишлаб келмоқда. Бу бригада шу кунгача топириқчи бажармай қолган эмас. Гениадий Бориченковнинг дурдогорлар бригадаси ҳозир етмикинчи йил плани ҳисобига ишламоқда.

Я. МАКАРЕНКО,
Н. МУҚИМОВ.
(«Правда»нинг махсус муҳбирлари).
Қарши шаҳри, Ўзбекистон ССР.
«Правда», 25 май.



Хўрмат ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область «Хўрмат тахтаси»га баёнландилар. Бекобод району (район партия қўмитетининг биринчи секретари З. Махсумов, район иқтисодий қўмитетининг раиси Э. Хатамов, район комсомол қўмитетининг секретари М. Нурматов, пилла қуриш бош идорасининг директори Р. Абдуллаев ўртоқлар). Бу район пиллакорлари давлатга пландаги 113.7 ўрнига 126.3 тонна пилла топириб, йиллик планни 111 процент адо этишган. Район пиллакорлари планга қўшимча давлатга 20 тонна «қумуш тола» топириш мажбуриятини олдилар.

Калинин қишлоқ Советидаги Ленин номли колхоз (раиси Х. Ҳамроқулов, партия ташкилотининг секретари В. Хан, комсомол ташкилотининг секретари А. Эргашев, пиллачилик агрономи Қ. Қўрбонов ўртоқлар). Бу колхоз пландаги 20200 килограмм ўрнига 26454 килограмм пилла топириб, йиллик планни 130 процент адо этган. Колхоз аъзолари планга қўшимча 6.5 тонна пилла топириш мажбуриятини олдилар.

2-«Далварзин» қишлоқ Советидаги 2-«Далварзин» совхозини (директори А. Қозоқбоев, партия ташкилотининг секретари А. Ҳакимов, комсомол ташкилотининг секретари Т. Усмонов, пиллачилик агрономи Қ. Эгизматов ўртоқлар). Бу совхоз пландаги 6600 ўрнига 8391 килограмм пилла топириб, йиллик планни 127 процент бажаришга эришган. Совхозда планга қўшимча 2500 килограмм пилла топириш мажбуриятини олди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПИЛЛА ТАЙЕРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 25 МАЙГАЧА БЎЛГАН
МАЎЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)			
Биринчи стун — районлар,	Иккинчи стун — бир кунлик	Биринчи стун — районлар,	Иккинчи стун — бир кунлик
Бекобод 5.5	111.0	Пиллачилик агрономи	12.6
Оққўрғон 11.0	92.2	Бўна	13.1
Калинин 18.4	72.2	Ўрта Чирчиқ	9.5
Оржоникидзе 15.5	64.7	Вўстонлиқ	5.7
Ўрта Чирчиқ 17.9	60.4		
Янгиқул 17.3	43.0	Область бўйича:	13.7



Адабиёт са'yифаси

Саттор анага неча Қримдан хат келди. У конвертни очиб, олган хатидан анча хомуш бўлиб қолди. Хатдан кўнгли гаш эди. Хатда «Отажон, бу хатини ўқилинган Валидан деб билурсиз. Сиз мени ҳар доим ўқилиб деб суйрингиз, Отажон. Сизни кўп изладим. Бироқ ҳеч тополмадим. Докторнинг унвонини ёқлаганингиз ҳақидаги мақолада ўқиб бошим осмонга етди. Яна инқилландим. Бу сизми, ё... Шу кунгиз дараклашга тушдим. Сиз эганингизни аниқладим. Табриклияман. Тез кунда дийдор «Кўришамиз» деган сўзлар юрагига гулгула солиб ўтди. Хунобни, гоҳ кўнглис келар, гоҳ кўнглис оғриб ўтди. Ҳунобни жой тополмасди. Ушунга «Вали» дегани бу ким бўлиши. Қримда танишим йўқку, ёни қастдан тўқиб чиқарилган тўқматини. Ё рабийи, хотиним Саодат билса нима бўлади. «Хорманг инди ўртоқ фан доктори. Докторлик—бу инқилозламачиликни яшириш учун қилинган экан-да, болани етим қолдириб уялмидингизми демайди, ахир. Яна қаердан, денг, қурорт жой. Қримдан-а. Хуллас Саттор аянинг таъби хуфтон бўлди-қолди. Чой ичса кўли қалтирайди. Эртаси кунни хонага Саодат ола кирди. Унинг орқасидан эргашиб кирган кенжа ўғилчаси Рустамжон «дада, дада» дея дадасининг бўйинига осилди. «Ана бошланди» деб ўйлади Саттор ана: «билити. Хатдан хабар топибди-да. Ҳозир бошлайди...»

— Ҳа, дадаси, нега кечадан бери жуда хомуш кўринасиз. Бирон ерингиз оғриптими?— Саодат ола ташвишланиб сўради.— дадаси кўп ўйлайверманг. Узингиз докторлигини ёқласам, бир дам оламан деганингиз-ку. Энди бир оз бошга ҳам дам бериш гали келди. Айтгандек, мана бу теле-

граммани ҳозир почтабон ташлаб кетди. Яна бирор муҳлисиз гиз табриклаган бўлса ажаб эмас. Қримдан келибди,— деди-да телеграммани эрига узатди.

Саттор ана телеграммани ўқиди, кўлига олди, унга кўз ташлаб ҳализамон ёрилиб кетадиган пуфакдек қизарди. Унинг дадаси, асабий ҳолда унинг у ёридан-бу ёрига юра бошлади. Хотини жайрон, нима воқеа юз берганини билолмай: «Ҳа, дадаси, кимдан, нега» дерди нукул.

— Англашилмовчилик, ҳа, англашилмовчилик! Бу мумкин эмас. Йўқ, асло мумкин эмас! Саодат ола стол устида ётган телеграммани олиб ўқиб бошлади: «Дадажон, кутинг. Шанба кунини дийдор кўришамиз. Вали».

— Вали эмиш, кўрингми.— бошига қалтак тушгандек тўлғонди Саттор ана,— саодатли Вали ахди! Мени намунча қийнама-санг. Бор бўлсанг ҳам қошиқиди. Шовша-шовша, Саодат... Саодат ола ҳеч нарсага тушу-

ган кунин. Саттор ана ҳам, Саодат ола ҳам уйда. Саодат ола уй юмушлари, Саттор ана бўлса аллақандай китоб ўқиш билан банд. У китоб ўқилишга ё ҳаёл сураш-ти, буни билиш қийин эди.

Саттор ана ўқилиб икки соат вақт қолган бўлса ҳам Саттор ана китоб ўқилиш йиғинтириб пилга қараб ўтибди. У урушда бўлганини, Қрковда бирга жанг қилган кўролдошларини, ярадан қилган ва госпиталда, сўнг Қримда доволанганини, ҳамшираларнинг

меҳрибонлигини, жуда кўп орден ва медалларнинг қачон ва қаерда олганини ҳамма-ҳаммасини эсла-ди. Бироқ «ўғли» Вали ва унинг онасини сира ёдига келтиролма-ди. Ҳозир Валини кутинишга чиқсинми-чиқмасинми? У билан учра-шиб бошлаб бир адабни бериб қўйса-чи...

— Туринг дадаси, аэропортта борайлик.— Унинг хаёлларини Саодат оланинг мулойим овози бўлиб юборди.

— Қаерга? Нимага?.. Тагин шай-ланиб ҳам олибсиз, Саодатжон. Нима деб чиқаман.— Ахир у самолётдан тушиб, кўзлари жовдираб қолмасини, но-таниш шахар, қаерга бора-рини билмай сарсон бўлмасини дейман, туринг, тезроқ кийиниш,— деди-да, Саодат ола унинг кийимла-рини гардеропдан ола бошлади.

— Кўйсангизчи, Саодатжон, ахир бу англашилмовчилик.

— Йўқ, тезроқ кийиниш. Катта уйга стол ҳам тузатганман. Такси кутаяпти, бўлинг тезроқ.

Аэропорт... Самолёт келишига санокчи минутлар қолган. Ҳамма-нинг кўзи осмонда. Ана самолёт пастлаб ерга қўнди. Унинг гувул-лаши Саттор ана юрагига борган сари тақа-пуқа қиларди. У само-лётдан тушиб келаятган одамларга қарай бошлади. Саодат ола ҳам унинг ёнида, эридан кўз ўзай кузатиб турипти. Саттор аянинг кўзлари йўладан ўтаётганларда,

Бор экансан-ку» деб унинг елкаси-га қонди.

Саодат ола кулиб деди: Теле-грамма теккандан бери қандай ўғ-лим бор экан деб докторнинг то-моғидан нон ҳам ўтмай қолди.

Валентин Петрович ҳам бўш келмади:— Оббо, докторей, ўқиб фанин ёнқодек зақиб юборибсиз-у, бит-та ҳақиқат қолганми... а, лаббай!

— Ростаам ўғлим бўлса-я деб қўриқанда сиздан.— Валентин гап қистирди. Улар хоҳоллашиб кулипти.

Воқеа бундай бўлган эди. Улуг Ватан урушида тошкен-лик взвод командири Саттор ана авзодларидан 5—10 ёш катта бўлгани учун ўғилларим деб ата-ди. Украинлик Валентин ҳам шунга ишора қилиб Саттор анага «ўғилингиз Валидан» деб теле-грамма юборган эди. Аслида улар бир-бирлари билан кўпдан дўст бўлиб қолдилар. Ҳаммадан ҳам Саодат олага ҳаваси келади одам-нинг. Шундай эмасми! Онада она, дунёда инсон боласининг етим қолишидан ёмон нарсаси йўқ. У, шунини ўйлайди. Валентин Петрович уруш маҳали Саттор ана уни гоҳи Валентин, гоҳи қис-қагина қилиб «Вали» дейишини эсга олди. Мен Киевдан Қримга командировкага борганимда, у ерда дам олаётган бир ҳамшира олим танчининг сени яқинда дис-сервация ёқлаганини айтиб ва тазавоти қўрқатди. Мен бу ерга командировкага келаятган эдим. Сени— отамни кўрай деб Вали номидан телеграмма бердим-да, Табриклияман отахон!

Икки собиқ жангчи, икки ҳо-зири катта олим кучоқлашиб, ёш йигитлардай ҳазиллашиб дий-дор кўришиб ҳол-аҳвол сўрашар эди.

Саодат ола жиймайиб уларни завқ билан кузатиб турарди.

А. МАЙНОВО.

ДИЙДОР

(ВОКЕИЯ ҲИКОЯ)

— Англашилмовчилик, ҳа, англашилмовчилик! Бу мумкин эмас. Йўқ, асло мумкин эмас! Саодат ола стол устида ётган телеграммани олиб ўқиб бошлади: «Дадажон, кутинг. Шанба кунини дийдор кўришамиз. Вали».

— Вали эмиш, кўрингми.— бошига қалтак тушгандек тўлғонди Саттор ана,— саодатли Вали ахди! Мени намунча қийнама-санг. Бор бўлсанг ҳам қошиқиди. Шовша-шовша, Саодат...

Саодат ола ҳеч нарсага тушу-

ган кунин. Саттор ана ҳам, Саодат ола ҳам уйда. Саодат ола уй юмушлари, Саттор ана бўлса аллақандай китоб ўқиш билан банд. У китоб ўқилишга ё ҳаёл сураш-ти, буни билиш қийин эди.

Саттор ана ўқилиб икки соат вақт қолган бўлса ҳам Саттор ана китоб ўқилиш йиғинтириб пилга қараб ўтибди. У урушда бўлганини, Қрковда бирга жанг қилган кўролдошларини, ярадан қилган ва госпиталда, сўнг Қримда доволанганини, ҳамшираларнинг

меҳрибонлигини, жуда кўп орден ва медалларнинг қачон ва қаерда олганини ҳамма-ҳаммасини эсла-ди. Бироқ «ўғли» Вали ва унинг онасини сира ёдига келтиролма-ди. Ҳозир Валини кутинишга чиқсинми-чиқмасинми? У билан учра-шиб бошлаб бир адабни бериб қўйса-чи...

— Туринг дадаси, аэропортта борайлик.— Унинг хаёлларини Саодат оланинг мулойим овози бўлиб юборди.

— Қаерга? Нимага?.. Тагин шай-ланиб ҳам олибсиз, Саодатжон. Нима деб чиқаман.— Ахир у самолётдан тушиб, кўзлари жовдираб қолмасини, но-таниш шахар, қаерга бора-рини билмай сарсон бўлмасини дейман, туринг, тезроқ кийиниш,— деди-да, Саодат ола унинг кийимла-рини гардеропдан ола бошлади.

— Кўйсангизчи, Саодатжон, ахир бу англашилмовчилик.

Бор экансан-ку» деб унинг елкаси-га қонди.

Саодат ола кулиб деди: Теле-грамма теккандан бери қандай ўғ-лим бор экан деб докторнинг то-моғидан нон ҳам ўтмай қолди.

Валентин Петрович ҳам бўш келмади:— Оббо, докторей, ўқиб фанин ёнқодек зақиб юборибсиз-у, бит-та ҳақиқат қолганми... а, лаббай!

— Ростаам ўғлим бўлса-я деб қўриқанда сиздан.— Валентин гап қистирди. Улар хоҳоллашиб кулипти.

Воқеа бундай бўлган эди. Улуг Ватан урушида тошкен-лик взвод командири Саттор ана авзодларидан 5—10 ёш катта бўлгани учун ўғилларим деб ата-ди. Украинлик Валентин ҳам шунга ишора қилиб Саттор анага «ўғилингиз Валидан» деб теле-грамма юборган эди. Аслида улар бир-бирлари билан кўпдан дўст бўлиб қолдилар. Ҳаммадан ҳам Саодат олага ҳаваси келади одам-нинг. Шундай эмасми! Онада она, дунёда инсон боласининг етим қолишидан ёмон нарсаси йўқ. У, шунини ўйлайди. Валентин Петрович уруш маҳали Саттор ана уни гоҳи Валентин, гоҳи қис-қагина қилиб «Вали» дейишини эсга олди. Мен Киевдан Қримга командировкага борганимда, у ерда дам олаётган бир ҳамшира олим танчининг сени яқинда дис-сервация ёқлаганини айтиб ва тазавоти қўрқатди. Мен бу ерга командировкага келаятган эдим. Сени— отамни кўрай деб Вали номидан телеграмма бердим-да, Табриклияман отахон!

Икки собиқ жангчи, икки ҳо-зири катта олим кучоқлашиб, ёш йигитлардай ҳазиллашиб дий-дор кўришиб ҳол-аҳвол сўрашар эди.

Саодат ола жиймайиб уларни завқ билан кузатиб турарди.

А. МАЙНОВО.

ДАЛА ЧОРЛАЙДИ

Далаларга чорламоқда қўшман ташвиш, Сафарбардур, акду-идрок, техника, ижод. Ҳаёт учун кураш доим тирин жон иши. Водий чаман бўлсин, десанг қилгин уни ёд. Бахор учун ҳар нарса тахт, ҳатто шай кўш, Сайр эъможда биргалишиб зарларин сочиб. Ёшбупроқ рутубатин кўтариб ёвош, Шамбодлар эъмождур бағрини очиб. Жўшқин уриб тошдан-тошга оққан дарё шай,

Бўлса чин инсон туриб ўз аҳди ила паймонида. Обру тоғгай ҳаммаша кенг жаҳон айвонида. Урганиб ахлоқу одоб, касб этиб илму хувар Жой олур шону шарафли маърифат девонида. Оламу фаршдан нечоғлик баҳр олиб парвоз этар, Бахту иқбол саодат авнини осмонда. Меҳнат қилганларин кўрдим, бенаҳия қолмади, Нозу неъматлар фаровон бўлди дастурхонда.

Я Н Г И Ч А

Жонажон ўлкам, сенинг боғу баҳоринг янгича, На гўзал айёмки бу, ҳар бир наҳоринг янгича. Ишвао минг ноз билан навроз олам келдию, Мафтуни эди ўзига авж бароринг янгича. Ишк-муҳаббат тўқилишидан шод юраклар тинмагй, Шарқираб оққан шалола, долазоринг янгича. Бунда жамул-жам бутун шод аҳли меҳнат ҳор эмас,

Кўш-ку кўз ёшдай Кўнда юмалаб, Йилларни киприкдай Ўзиб юрибди. Айтсинчи, шунча йил Туни кузалаб, Онадан буюроқ Нени кўрибди! Буюк-ку гўл-гўлдор Сомон йўлида, Улар ҳам онасиз Очоғлас кўзни.

Тиллар ҳам шу сўзсиз — Синоб ётган най, Ватан ҳам шу сўзсиз Танимас ўзини. Ҳа, барча буюк ҳам Она қошида — Ой чиққан тундаги Юлдузлар гўё, Сув ўғриб ичар

АХД ИЛА ПАЙМОНДА

Юз ўнгирса ҳар киши илму хувардан, ўйламай, Оламу аҳли, дер, магар ким қасди бордир жонда? Ваъда қилса ҳар қаю иш устида гайрат қилиб, То ҳаётини борича Мушқин турар паймонда.

АХД ИЛА ПАЙМОНДА

Юз ўнгирса ҳар киши илму хувардан, ўйламай, Оламу аҳли, дер, магар ким қасди бордир жонда? Ваъда қилса ҳар қаю иш устида гайрат қилиб, То ҳаётини борича Мушқин турар паймонда.

Зукко-доналар билан тузган шоринг янгича. Беканор қўйинида бошланди-яна тўй-тантана, Чал, муғанин, янги кун, кўлда доторинг янгича. Янгича тўю томоша, дўст—ёрлар давраси,— Сухбаторлар билан азму қароринг янгича. Кетда қолма, шорир, гўзал замон маҳдидан, Элга қилгин армуғон қўйинида боринг янгича.

М. МУҲАММАДҚУЛОВ.

Қ Ҳ Ш И Қ

Ой кеча, ойдин кеча, Ором ол лаби гулча. Мен бошинида бўлбудек Алдалай тонг отгунча. Ҳилол олтин «чўх»ласин, Юлдузлар ҳам ухласин. Буюк кўш қўшини Уфқларга туг тақсин. Шунда силаб уйғотай

Абдулла ШЕР.

Й Ҳ Л Б О Ш И Д А

Ҳаёлларим енгил ва илдам, Баҳор каби енгил учаман... Тиним билмай, чиқариб дилдан— Мен ўзимга сўзюк очаман... Ушра сирли сўмоқдан оша, Шошлалар, манзилга мудом. Ҳаёлларим енгил ва илдам—

Шавкат ТУРОВА.

ЗУЛФИЯ БИЛАН УЧРАШУВ

Қаляин районидagi Н. К. Крупская номли 33-ўрта мактаб клуби яқинда шеърини шинавандалари билан ишқ тўлган эди. Бу ерга мактаб ўқувчилари, ота-оналар Ўзбекистон халқ шоираси, Ҳамза, Неру ва Нилуфар мукофотлари лауреатлари шоира Зулфия билан учрашувга келган эдилар. Учрашувда 8-синф ўқувчиси Муштабар Шукророва Зулфиянинг ижодий ва жамоат ишлари ҳақида мароқ билан гапириб берди. Шундан кейин Зулфиянинг шеърларини ёд олган, унинг асарларини қизиқиб ўқиб келаятган мактаб ўқувчилари биринчидан сахнага кўтарилдилар. Улар Зулфия шеърларини завқ билан ўқиб тингловчиларнинг олдига сазовор бўлдилар.

8-синф ўқувчилари Зулфиянинг суратини чиқиб, уни хотира сифатида атоқли шоирага тақдим этганларида залда кучли қарсак кўтарилди. Сўнг сўз шоира Зулфияга, берилди. У, мактаб ўқувчилари ва ўқувчилар коллективига тақдир этганликларини учун ўз номидан ва республика қалам соҳиблари номидан раҳмат билдирди. Таълим-тарбия ишларида янги муваффақиятлар тилади. Учрашув жуда қизқинчлиқ билан ўтди. Учрашув охирида Ҳамид Олимжоннинг «Зайнаб ва Омон» пьесаси асосида постановка кўрсатилди.

Х. ЕҚУВОВ.

О Л М А Л И Қ

Қадди тик салобатли, Тоғлар шаҳри Олмалиқ. Турар мағрур шер йити Кучга тўлган эр йити. Бор нақирон боғлари, Боғлари ўтлоқлари. Кўчаларда сарв қомат Донлархалар шамшод қад. Қирларда бўғайзор, Уваларда кўш бозор. Уйларни туташ осмон, Ишчи шаҳри — гул макон. Бунда метин кўл одам, Қашф этар янги олам. Ҳар қария тоғ тупроғини,

Айлаб минг пора бағрини, Киприк билан тушқун. Ингар зарра мис, олтин. Мис, олтинга қон макон, Бир умр кўрма нуқсон.

Обид РАСУЛ.

ҚАНОТЛИ ҚЎШИҚЛАР

Шифо тоғи Туркистон ниқлоб қўшманди.

Ҳаёт гўзаллигини тасдиқлаш, унинг инсон учун яратилган ҳамма имкониятларидан баҳраманд бўлишга қайириш кўпчилик гўзалларнинг лейтмотивидир. Ҳаёт гўзаллигини тасдиқлаш шоир назари ва унинг ифода усулида фақат олам гўзалликларини таърифлаш билангина чекланмайди. Бу тасдиқ бутунги ҳаётимиз зақидан, унинг туҳфаларидан баҳраманд бўлиш, социалистик тузумнинг афзаллигини бутун борлиги билан қўйиш, кишиларимиз қалбидан кувончли изҳор этмоқ билан бевосита боглиқдир.

Мен дегайманки, азизим, боғу бўстондир ҳаёт! Сен дегайсанки ҳақимим, туб сиз уммондир ҳаёт. Баҳс этдиб очса бўлурму ҳар башар тақдирини Мен дегайманки, берилган яхши ҳисовдир ҳаёт.

Айни вақтда Ёнги Мирзоининг қаҳрамонлари, замондошларимиз меҳнат илгорлари, шухрати бутун республикамиз ва Иттифоқимизга

ТАҚРИЗ

тарқалган ўз касбининг моҳир эгаларидир. Бу меҳнат қаҳрамонларини тасвир этмишда шоир гарчи ўзининг классик формасидан чекинмасда, уни том маънодаги замондошимиз сифатида кўрсатишга эришди.

Боққа кирсам қолдилар лол қомати гўз ишқомлар, Гўл-гўл узум дурдонами! Кундузю, оқшомлар... Юлдузлардек жипла қилар кимдан чиққан бу ноллар! Инсон меҳнат гаштини сувар кундузю, оқшомлар...

Дард кўрмасин олтин кўллар минг офарин боғбонга. Шоир машҳур соҳибкор боғбон Ризамат отага бағишлаган шеърини шундай шукроналик хисси билан бошлайди.


Замонамиз қаҳрамони бўлиш қаҳрамон отага офарин атайди. Унинг меҳнат зафарини ўз мисраларини чиройли формада ифода этишга эришди. Шоирнинг «Дор ва инсон», «Кўнаса» каби шеърлари ҳам ана шундай.

Тўпламдаги «Дутор», «Ҳаёлим

кўзгусидан», «Жамолнинг билан», «Тонг чоғида», «Учрасанг», «Усма қўйиб», «Кўрунган», «Кўрсиналар», «Қарашиндан», «Кўрмай», «Умрим борича» каби қатор гўзалларни бугунги кунда санъат ва қўшиқ муҳлислари учун яхши тароналарга айланиб қолди.

Шубҳасиз, шоирнинг янги китоби шеърини муҳлисларини ҳурсанд этди, уларга эстетик завоқ бағишлайди. Лекин, буларнинг ҳаммаси тўплам тамомила мукамал, бекамму кўст деб айтиш учун асос бермайди. Шеърини тўпламда фақат оддий баёнчиликдан иборат бўлиб қолган айрим шеърлар, шоирнинг яхшигина тақрибига эга бўлишига қарамай, шеърини форманинг ўзига қатор бузилишларга йўл қўйишдек нуқсонлар учрайди. Қалби қайноқ шоиримиз ўзининг энг яхши дилрабо кўшиқлари билан бизни ҳушунда этиб келаяпти. Унинг қанотли кўшиқлари узок масофалар оша калкимиз ва қўшиқ муҳлислари қалбига ҳам завоқ бағишлагани ишончимиз комил.

ЕҚУБ ЯҚАЛХУЖАЕВ.



ҚУРАМА-ЧОТҚОЛ тоғлари

нинг этакларида гўзал ором-бахш Чирчиқ воҳаси жойлашган. Чирчиқ дарёсининг бўйлаб дами олиш жойлари, сана торийлар бўлибда келган. Чирчиқ бўйида республикамизнинг нақдирон, социалистик Чирчиқ шахри туркираб, яш наб турибди. Сиз кўриб турган суратда Чирчиқ шахри ва Чирчиқ дарёсининг сўлим соҳиллари тасвирланган.

А. Тўраев фотолари.

Х А Л Қ БУЛБУЛИ

Энг яхши халқ достонларини бутун нафосати билан бизгача етказиб келган шоирлардан бири Ёрғаш Жуманбулбул.

Яқинда хурматли халқ шоирининг 100 йиллик юбилейи муносабати билан Алишер Навоий адабиёт музейида Ёрғаш Жуманбулбулнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Шу билан бирга, музей фойсидида кўргазма ташкил этилди.

Мана, қаршингизда Ёрғаш Жуманбулбулнинг улугвор сиймоси худди ҳаёт вақтидагидек самимий, дўстона боғиб турибди. Шоирнинг кенг пешонаси, қирра бурни, соқоли, ўсиқ қора қошлари тағидан боқиб турган тийрак кўзлари, чехрасидан мулойимлик ва назарилик унинг нафис газалхоили дунёсини ақс эттириб тургансиз. Шоир бу длар да 59 йилда бўлиб, социалистик Ватанамизни, Коммунисттик партияни ва халқлар дўстлигини тўлиб-тошиб қўйлаётган бир пайти эди.

Шуниингдек, Ёрғаш Жуманбулбул ва Ёлған шоирнинг чордона кўриб, кўларидида сози, жүр овози билан қўшиқ икром этаятганликлари— ақс эттирувчи нобэ экспонатлар ҳам кишининг диққатини жалб этади. Яна, шу стендада Ёрғаш шоир ўз қўли билан араб ёзувида битган таржаманой ҳолининг фотокопияси бор. Бу таржаманой ҳол фольклоршунос олим Ходӣ Зарифга 1928 йилда автордан хотира сифатида автограф билан тақдим этилган эди.

Иккинчи стендада Ёрғаш Жуманбулбулнинг дўстлари, ҳамкасблари ва шоирнинг ижодига оид материаллар қўйилган. 1927 йилда Самарқанд области Булунгур районининг Қирққонди қишлоғида ёзилган «Қиз-жибек» достони кўлбизмасининг фотокопияси ва «Алломиш» достонига иланган иллюстрация шулар жумласидан. Музей ходимлари ва унинг фотолари бўлиб ҳозирда шоирнинг 100 йиллик тўғтай бағишланган сазоворига қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Шоирга бағишланган материаллар «Адабий мерос» нашрининг III томлик нашрига тайёрланган.

Х. МИРЗАЕВА, музейнинг кичик илмий ходими.

Ш О И Р ХОТИРАСИ

Еш авлод онги, дунёқарашини шакллантириш, юнак коммунистик идеаллар руҳида тарбиялаш борасида адабиёт фанининг роли беқиёсдир. Бу жиҳатдан, поштахтдаги Аббор Ҳиндортов номли 14-ўрта мактабда аламга оширилган таърифи ишлар диққатга сазовор.

Тақрибдан ўн йилгунча Жамал Маъруфов бошчилиги қилаётган ёш адабиётчилар тўғрисида қатнашчилари ташаббуси билан бу ерда демократ шоир Муқимийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишлаб адабий конференция ўтказилди. Конференцияда шоирнинг ҳаёти ва ижодига ҳақида доклад қилган Нейматова, адабнинг «Навбахор», «Толени», «Ким десун?» лирик шеърлари ва «Танобчилар», «Авлия» каби сатирик асарларини ёддан ифодали ўқиган Собитова, Жааборова, Муқимова, Шоирхўжаев, Акбархўжаев каби юқори синф ўқувчилари зални тўлдириб ўтирган ота-оналар, қўшин мактабдан келган ўқувчи-меҳмонларнинг қиёғини олқиниша сазовор бўлдилар.

Кечанинг иккинчи қисмида ҳаваскор ўқувчилар шоир газаллари билан айтиладиган қўшиқларини ижро этидилар. И. Нисомий номлидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўқитувчилари ва студентлари кечага меҳмон бўлиб келишди.

Қ. САЛИМОВА.



Қорли чўққилар бу ердан жуда яқиндан кўринади, гўё сал юрилса, етиб оладигандай яқин. Атроф-теварак ям-яшил тилла тўшалган дарахларда, зилол сув шариларда турибди. Бу ернинг соф ҳавоси мусалло, енгил шабадаси юз-кўллари ҳимо билан сизиб ўтади. Шонр ҳаёликдек сўнгиса, мусиқа оҳангидек дилрабо бу масанни кўрган борми, бағридан кетгиси келмайди.

«Саҳий табиатнинг меҳри билан яратилган бу ери «Товоқсой» дейишади. Денгиз сатҳидан 800 метр баланд бўлган бу кишлоқда шу йил 1 Майдан бошлаб меҳнат вағдерлар республика пансионати базасида инвалид ва пенсионер қарияларнинг республика дам олиш уйи ташкил топди.

Иккинчи кирамиз. Ҳовлидаги фронтан тевагадига қарилар сайр қилиб юришибди. Баъзон кексалар сўрилар тағидида қоватларда суҳбатлашиб ўтиришибди. Улар бу ерга республиканинг турли шаҳар ва районларидан ташириб келинган. Қарангиз, шу икки-уч кун ичида улар бир-бирлари билан

ОРОМГОҲ МАНЗИЛ

иноқлашиб кетишибди. Қариялар кўнглида хурсандчилик. Бу қалонда миннатдорчилик, шукроналик белгиси.

Бино ичига кирамиз. Кенг ва озода коридорлар, ҳар бири иккинчи кўнглига мўлжалланган хоналар. Уларда барча жиҳозлар, керакли буюмлар муҳайё. Репродуктордан ёқимли куй таралиб турибди.

Ташқари ҳовлига чиқамиз. Пўллар атрофи гулзор, гуллар турли рангда жилволаниб салом бераётгандек майин табассум тобранади. 17 гектар ердаги ўрик, олма, беҳи дарахларида ҳосил шигил, сўриларда узум гукумлари гўл-гўл. Дарахларнинг кўюк соя-салқинида — ёғи чойхона. Чойхонада Наби ақанинг қўли-қўлига тегайди. Юқоридида ёғоч қараватда Фаргона, Сурхондарё, Бухоро, Андиқон ва Тошкентдан келган ота-

хоналар ақсия айтиб, ҳузур қилишмоқда.

Товоқсой дам олиш уйида ҳозир 200 га яқин уруш ва меҳнат инваллидлари, кекса пенсионерлар дам олиб, хордиқ чиқаришмоқда. Дам олувчиларнинг бу ерга келиб-кетишидан тортиб, 26 кун яшашигача сарфланган маблағ давлат ҳисобидан.

Кекса отахон ва онахонлар Товоқсойда дам олиш уйи ташкил қилинишидан жуда мамнун бўлишмоқда. Меҳнат ветерани, 66 ёшли Андрей Иванович Устинов ўз миннатдорчилигини дили ҳушуд сўзлайди:

— Мен 1960 йилдан пенсионерман, — дейди у. — Жигарим билан бошим бироз мени безовта қиларди. Ҳозир бўлса улардан асар ҳам йўқ. Иштаҳам яхши, кайфиятим

чоғ, бир-икки килограмм семирган бўлсам, ажаб эмас.

Қиёралик отахон О. Қудратов гулда ишқибоз. Ўзи дам олишга келгану, гулзор ичидан чиқмайди.

— Менин суягим гулзор ичида қотган десам муболага бўлмайди, чунки отам ҳам гул шайдоси эди. Энди дам олиш уйига келсан, Қиёрай билан Товоқсойнинг об-ҳавосида анча фарқ бор экан. Дам олиш уйида биз учун яратилган имкониятдан бениҳоя хурсандман. Ўзим каби кексаларнинг йиғилгани запар иш бўпти. Бу ерга келганимга 7—8 кун бўлди. Дам олиш уйидаги ғамхўрлик, хизматчиларнинг меҳрибонлиги мени ниҳоят даражада ҳушуд этди. Махсус автобусда Тошкент, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Оқшор, Бурчмулла қишлоқларига сайр қилишимизни эшитиб, ана хурсандман.

Бу ерда кексалар фароғати, кўнгли ҳордиқ турғисида гап кетар экан, аввало дам олиш уйи хизматчиларини ҳурмат билан тилга оласан, киши. Ўзининг сифатли ва мазали таомлари билан қариялар кўнглини ҳушуд этаятқан катта ошпаз Шермат Достанов, кексалар сиҳат-саломатлигини доимо кўч-қўлоқ бўлиб турган шифокор Шовкат Турсунов, кутубхоначи Гулсара Болтабоева, дам олиш уйининг директори, табиркор ва ташкилотчи пенсионер Обиджон Усмонов ва бошқа ходимлар хизмати дам олувчиларни мамнун қилмоқда. Ким билан суҳбатлашсанг, бунга иқдор бўласан.

Товоқсой дам олиш уйида хордиқ чиқариб, соф ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб, зилол сувларидан ҳовуч-ҳовуч симириб роҳат қилган киши бу ерга ана бир бор келсан, деб овуз қилади.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
Суратларда: нуруний отахон ва онахонларимиз бог қўйидаги мириқиб дам олишмоқда.

Автор фотолари.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

Тошкентдаги Оқушбобоев номи медицина билим юрти ўқувчилари ҳар йилгидек бу йил ҳам даладарда етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишда деҳқонларга кўмак беришапти. Улар шу кунларда Оржоникидзе районидagi «Қиёрай» совхозига қудушай теришапти.

— Шаҳарлик ҳашарчиларнинг ёрдами деҳқонларимизга жуда кўл келтипти, — дейди 3-бўлим бригадаси бошлиғи Саидхон ака Билолов. — Кунда 7—9 тонна қудушай ҳосил терилиб, пешма-пеш шаҳар дўконларига жўнатилади. Бригадасида 18 гектар майдонни қудушай ишқоб қилган. Йил бошида бу майдондан 85 тонна ҳосил йиғиштирилиб олиниши плавлаштирган эдик, ҳосил қутилганидан кўра мўл бўлди. Шунинг ҳисобига олиб планга қўшимча ана 10—15 тонна қудушай топириш мажбуриятини олди.

Сандахмат ақанинг миннатдор бўлганча, бор Билим юрти ўқувчилари бригада қудушай планининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўишляпти. Айниқса, билим юрти ўқувчиси Хуррият Солихжоевадан ҳамма хурсанд. У ҳар кун хирмонга 35 килограмм ўринга 70 — 75 килограммдан ошириб қудушай топиришмоқда. Шунингдек Е. Абдуллаева, Н. Усмонова, Р. Маҳмадова каби бошқа ҳашарчилар ҳам қудушай нойаларини 180—200 процентдан бажариб барчага ўртак қўришляпти.

Ҳали совхознинг 3-бўлими даладарда қудушай ҳосил ериб. Миришкорлар бу йил Москва аҳолисига 40 тонна қудушай ҳосилни жўнатишни плавлаштиришган. Ҳозиргача эса, 30 тоннага яқин ҳосил жўнатилади. Чувончи, шаҳар савдо дўконларига 40 тоннага яқин қудушай ҳосилни етказиб берилади.

Совхоз боғларида эртаги мева ҳосили ҳам етила бошлади. Ҳозир мавжуд 18 гектар майдондаги гилос боғидан шаҳарликларга дастлабки тонна ҳосил жўнатилади. Бу йил боғлар 105 тонна ўринга 150 тонна гилос ҳосили қутариш мажбуриятини олиб меҳнат қилишляпти. Бу қурада ҳам билим юрти ўқувчилари боғларга катта ёрдам беришляпти.

Ф. АБДУРАСУЛОВ.

МИНГ БОЛАНИНГ ОНАСИ

Врач-гинеколог Таисия Федорова нидан ниҳоятда толиқиб кайтди. Эрталабдан бери учта оғир операцияни кўнглидан чиқарди. Учта ҳам муваффақиятли бўлди. Бир қизалоқ, икки боланинг умри сақланиб қолди. Фарзанд кўрган ёш оналарнинг ҳам соғлиги яхши.

Врач бироз дам олиб етишга ҳозирлик қўйаётганда, эшик талқиллаб қолди. Урта бўйли, қадди-қомати келинган шифер йигит Таисия Федорованинг қўлига радиогрaммани тутқазди. Унда қўйидаги сўзлар ёзилган: «Ютқол тоғ этагидан экспедиция ишларини олиб бораётган археолог қизимиз оғир ботоб бўлиб қолди. Зудлик билан ерданга келишини тизини сураймиз. Экспедиция бошлиғи, Душанба шаҳри.

Орадан бир соат ўтара-ўтмай Тошкент аэропортидан медицина самолёти ҳавога кўтарилди. Эрта тонгда Таисия Федорова Душанба шаҳрига етиб келди. Бу ерда уни тоғ этагидан қидирув ишларини олиб бораётган экспедиция аъзолари қарши олишди. Радиогрaммда ёзилганча бор экан: археолог қиз ниҳоятда ўзини оғир ҳис қиларди. Тадбиркор врач уни даволаш учун зарур бўлган барча медицина чораларини кўрди. Икки кун қизни даволади. Учинчи кун тонг отарида археолог Вала ўғил кўрди. Қазилма бойлик қидириётган экспедиция ходимларининг қувончи кексиз эди. Улар моҳир врач Таисия Федорованга чин юракдан миннатдорчилик билдиришди.

Тадбиркор врач Таисия Федорова Чурсина қирқ йилдан бери шифокорлик қилиб келмоқда. 1928 йилда Таисиянинг отаси, кекса коммунист Федор Иванович Ростов шаҳридан Урта Осиёга темир йўл станциясига ерданга ишга келганда ўртанча қизи Таисия Тошкентдаги медицина институтига ўқишга кирди.

Шу кезлари республикада безгак касали кенг тарқалган. Медицина институтининг талабаси Таисия ихтиёрий равишда Тошкентга жўнади. У Душанба шаҳрининг Қўрғонтепа районида безгак билан оғирган қўлаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Райондаги 11-совхозда бош врач лавозимда ишлади, сўнгра Урганч шаҳридаги эпидемия станциясига ўтиб шифокорлик қилди. Оғир ботоб бўлиб қолганлиги сабабдан Тошкентга жўнатилади.

Безгак касали билан оғирган Таисия бу оғир касалнинг олдини олиш устида тинмай ўйлади. Таисия врач Леонид Исаянин эпидемия касалликлари қарши курашиш йўллари ҳақидаги қўланмаларини бир-ма-бир ўқиб чикди. Бир ой етиб соғайгач, яна узоқ областларга йўл олди. Қўлаб шаҳар ва районларда безгак касаллигига қарши «юриш»да қатнашди.

1936 йилда медицина институтини муваффақиятли тугатиб, ихтиёрий равишда Қашқадарё областига йўлланма олди. Узоқ районларда юқумли касалликлар билан оғриб ётган қўлаб беморлар дардига даво топди.

Бу ерда ҳали-ҳали жонқур врачнинг номини ҳурмат билан тилга олишляпти.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида у пойтахтдаги 3-тутруқхонада гинекология бўлимида ишлади. У раҳбарлик қилаётган бўлим ҳарбий шифохонага айлантирилди. Жанг майдонларида ҳаётини қўриб қолган оғир жароҳатланган жангчилариз бу ерда жонқур шифокорлар қўлида ўз дардларига даво топишди. Таисия Федорова юзлаб жангчиларни ўлим чаңгалидан сақлаб қолди.

Республикада хизмат кўрётган врач сўнги йилларда «Главташкентстрой» медицина-санитария қисми гинекология бўлимига раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг кўп йиллик самарали хизматлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Шавкатли меҳнати учун», «Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жасорати учун» медаллари билан мукофотланган. Республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини олишга муяссар бўлган.

Кўни кеча медицина-санитария қисмининг шифокорлар коллективи моҳир врач, СССР соғлиқни сақлаш аълочиси Таисия Федорова Чурсинанинг 60 йиллигини кенг нишонлашди. Қўрувчилар, шифохонада даво олаётган беморлар, врач ва ҳамширалар уни тугилган кўни билан табриқлаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилашди.

И. ЮСУПОВ.



Медицина-санитария қисмининг шифокорлари ўз ҳамкасблари врач-гинеколог Таисия Федорова Чурсинанинг (ўнган учинчи) 60 йиллик тўйи билан қизига қутламоқдалар. А. Абалия фотоси.

ОҚҚУШЛАРНИ ҚАНДАН ҚИЛИБ ЧУМЛИТИРИШДИ

Бир гала оққушлар тўдаси тунда янгилиниб, нефть кўйиб қўйилган жойини кўла деб ўйлаб қўишди. Бу Каспий денгизининг шимолий соҳилида нефть қазиб олинадиган жойда содир бўлди. Бахтга кўра эрта тонгда кишилар ҳалокатга йўлланган қушларни кўриб қолди. Зудлик билан Гуревдан кутқариш отряди етиб келди. Катта қийинчилик билан оққушларни нефть қўлмагидан чиқариб олишга муваффақ бўлиди. Бирок қутилмаган чўмилишдан кейин қушлар учиб кета олишмади.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Қутқарувчиларга маҳаллий химия заводи инженерлари ёрдами келишди. Улар қушлар патидига нефтини ювиш учун зарарсиз бўлган рецент йўлаб топишди. Қушлар «химиявий душ» қабул қилишгандан кейингина ҳавога кўтарилдилар.

ДЕНГИЗ АРСЛОНИНИНГ АҚУЛА БИЛАН ЖАНГИ

«Орион» балиқ дўшга келганининг денгизчилари жанубий-шарқий Атлантикада сузиб юришганда жуда камдан-кам

учрайдиган ҳодисанинг гувоҳи бўлишди. Кема қирғоқга урилаётган сув ҳудди қозовиди қайнаётган суви эслатарди, беш метрли ақула шиддат билан денгиз арслонига ташланар, у эса чаққонлик билан чап бера, қарши барба бериша уриларди. Денгизчилар бу олушувни мароқ билан кузатишар ва арслон устуғи келганини иста-шарда Денгиз арслони овчи-ларнинг ишончини оқлашга урингандек ҳаракат қиларди. У қутилмаганда қайрилиб ту-

риб, ақуланинг ён биқинига кучли зарб берди. Бу зарбдан унинг ўнг алаги олманга ақула тўкиларди. Сув юзига қизил қон қоплади. Олушув тугаган эди.

НЕФТДАН ҚОҒОЗ

Экспертлар фикрига кўра икки минггичи йилга келиб, ер юзидан қоғоз учун асосий хом ашё бўлган ёғочга бўлган тақчиллик жуда кучайиб кетар экан. Бу хатарни олдиндан бартараф этиш учун деб

хабар беради «Новости ЮНЕСКО» бюллетени Японияда қоғозни нефть маҳсулотларидан тайёрлаш лойиҳаси ишлаб чиқилляпти.

Бу синтетик қоғоз ташқи кўринишдан олдин қоғозга шунчалик ўхшаб кетадиган, уни бир қарада бир-биридан ажратиб олиш қийин. Бирок, нефтьдан тайёрланган қушнинг қоғоз қиммати, оддий қоғозга қараганда уч баравар ортиқдир. Аммо, синтетик қоғоздан фойдаланиладиган соҳалар бир мунча кенг: синтетик қоғоз оддий қоғоздан бир мунча тишиқ бўлиб чўзилмайди, сув ва намликка чидайди.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495, Редактор уриниосарлари — 833885, 837916, Массул секретарь — 834808. Пропаганда, адабонет ва санъат бўлимлари — 831936, Санъат, транспорт ва курилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Киш-лоқ ҳўжаллиги, фан, маданият ва олий уюшюрлар бўлимлари — 839050, Совет курилиш, маъшио кизмат ва шаҳар ҳўжаллиги бўлими — 838761, катар ва оммавий ишлар бўлими — 834045. Ёрбанлар бўлими — 835142. Коммутиатор — 830249 дан 830258 гача.

Узбекистон Компартияси Мар казий Комитети нашриётининг босмаханаси Тошкент шаҳри.

РЕДАКТОР УРИНОБОСАРИ Ф. УСМОНОВА.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШ-КЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Реклама
ВА
Экспонаты

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.50 — Кўрсатувлар програм- маси.

Ўзбек тилида: 17.55 — «Қизил галстук» тележурнали, 18.35 — «Ахборот» информацион програм- маси (рус тилида), 18.50 — Миллионлар ленинка университет- ти, 19.05 — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист С.Т.ХАН РАҲИМОВ куйлайди, 19.45 — «Ахборот» информацион програм- маси.

20.05 дан — Москва курсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 дан — Москва курсата- ди.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.05 — Концерт, 20.45 — КПСС XXIV съезда қа- рорлари — ҳаётга! 21.05 — Ўз- бекистон XV Спартакиадаи кун- далиги, 21.30 — У замоналар ўти кетди (бадий фильм).

Театр

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ- ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ- да — 26/У да Флория Тосна, 27/У да Майсаратнинг иши.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/У да Мирзо Улуғбек, 27/У да Алжонларим.

МУКМИНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/У да Хотинининг эри, 27/У да Фарғона тонг отгунча, 28/У да Ташбонла ошин.

Кино

КИШКИ БИНОДА

Белоруссия вокзали — «ЧАЙ- КА» (куфут соатларда), «СПУТ- НИК» (эрталаб соат 11, кундуз 3 да), «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6, 8 да).

Том Жонс — (кеч соат 8.45 минутта), Ёқинот маноб — (кеч соат 11, 20, 1, 3, 5, кеч 7 да) — САНАТ САРОЙИ.

Ҳайтин беҳуда ўтказганлар — «МОСКВА» (тоғ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 60 ЙИЛ- ЛИГИ» (куфут соатларда), «СПУТ- НИК» (кундуз ва кечкурун).

Самурайлар байрами — «ЎЗ- БЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз 3 ва кеч 8.45 минутта), НАВОНИ номли (кундуз ва кечкурун), «КУКЧА» (кундуз соат 12, 3 да, кеч 6, 8.45 минутта).

Кунгабонор — «ЎЗБЕКИСТОН» (куфут соатларда).

Гапиревриншин — «КОМСО- МОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 да, кеч 9.45 минутта).

Сен менинг ҳайтимсан — «НАВОНИ» номли (кундуз соат 2.40 минутта, кеч 6.30 минутта), «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

Биринчи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз соат 11, 1, 5.30 ва кеч 7 да).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ

КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

28, 29, 30 МАЙ КЕЧ СОАТ 8 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

КАТНАШАДИЛАР:

М. ҚОРИҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМО- НИЯСИНING «ЛАЭТИ»

АНСАМБЛИ

Ансамблининг бадий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти ГАВҲАР РАҲИМОВА;

Ансамблининг музика раҳба- ри — «Қодир БОБОҚОНОВ.

Ўзбекистон ССР халқ ар- тистлари: Хонихон БОЛТАЕВ, Коммуна ИСМОИЛОВА;

Ўзбекистон ССР халқ дос- тончиси Қурбонназир АБДУЛ- ЛАЕВ

(Вола — Бахши);

Ўзбекистон ССРда кизмат кўрсатган артистлар: Сорахон ОЛЛОБЕРГЕНОВА, Сора-Бини АХМЕДОВА, Ули-Бини БОЯ- ИНОВА, Норбек АБДУЛЛАЕВ, Солай ОРИҚОВ, Матнiesz ОЛ- ЛОБЕРГЕНОВ;

VI Жаҳон фестивалининг лауреатлари: Гулсара ЕҚУБОВА, Отамурад ҚОНИЕВ, Ота- жон РАҲАБОВ;

Солистлар: Нурмухаммад БОЛТАЕВ, Шариф СУЛТОНОВ, Отахан МАТЕКУБОВ, Мурат ЖУМАБОВ, Ражаб ИСМОИ- ЛОВ;

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСВОБЛАРИ АНСАМБЛИ Программани — Назрулла ЕҚУБОВ олиб боради.

ПРОГРАММАДА: халқ ашу- ла, куй рақслари, мақом ва достонлардан парчалар, Ўзе- бистон композиторлари асар- лари.

Билетлар концерт зали нас- сасида кундуз соат 2 дан со- тилади.

№ А-1756. Р. — 02548 ИНДЕКС — 64697.